

Ўзбекистон Республикасида илмий кадрларни тайёрлаш ва илм-фан

2025 йил учун


- I. Олий таълимдан кейинги таълим тизими: таянч докторантура
- II. Олий таълимдан кейинги таълим тизими: докторантура
- III. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни бажариш
- IV. Илм-фан ва илмий кадрлар тайёрлаш статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Олий таълимдан кейинги таълим тизими: таянч докторантура

Таянч докторантура фалсафа доктори (Doctor of Philosophy – PhD) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади ([23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон Қонуни](#)).

Ўзбекистонда таянч докторантуранинг асосий кўрсаткичлари

(тегишли йил учун, киши)



2025 йилда таянч докторантурага эга ташкилотлар сони **165 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **19 тага** (ёки **13,0 фоизга**) ошди.

Таянч докторантурага қабул қилинганлар сони 2025 йилда **4 159 нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **324 нафарга** (ёки **8,4 фоизга**) кўпайди. 2025 йил охирига таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар сони **8 326 нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **334 нафарга** (ёки **4,2 фоизга**) ошди. 2025 йилда таянч докторантура битирувчилари сони **2 256 нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **22 нафарга** (ёки **1,0 фоизга**) кўп бўлди.

**Таянч докторантура асосий кўрсаткичларининг
ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2025 йил учун, киши)

	Таянч докторантурага эга ташкilotлар сони (бирлик)	Таянч докторантурага қабул қилинганлар сони	Докторантлар сони	Таянч докторантура битирувчилари сони
Ўзбекистон Республикаси	165	4 159	8 326	2 256
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	5	160	398	98
Андижон вилояти	7	201	404	115
Бухоро вилояти	6	310	831	168
Жиззах вилояти	2	49	94	18
Қашқадарё вилояти	3	94	193	71
Навоий вилояти	3	75	226	68
Наманган вилояти	5	330	618	217
Самарқанд вилояти	14	386	825	295
Сурхондарё вилояти	6	156	294	44
Сирдарё вилояти	2	100	207	54
Тошкент вилояти	17	238	415	118
Фарғона вилояти	7	247	632	145
Хоразм вилояти	4	131	347	73
Тошкент шаҳри	84	1 682	2 842	772

2025 йилда таянч докторантурага эга ташкilotлар энг кўп Тошкент шаҳрида (**84 та**), Тошкент (**17 та**) ва Самарқанд (**14 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам сонли ташкilotлар эса Жиззах ва Сирдарё вилоятларида (**ҳар бирида 2 тадан**), шунингдек, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида (**ҳар бирида 3 тадан**) кузатилди.

2025 йилда таянч докторантурага энг кўп қабул қилинганлар Тошкент шаҳрига (**1 682 нафар**), Самарқанд (**386 нафар**) ва Наманган (**330 нафар**) вилоятларига тўғри келди. Жиззах (**49 нафар**), Навоий (**75 нафар**) ва Қашқадарё (**94 нафар**) вилоятларида эса қабул қилинганлар сони энг кам бўлди.

Йил охирига таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**2 842 нафар**), Бухоро (**831 нафар**) ва Самарқанд (**825 нафар**) вилоятларида кузатилди. Энг паст кўрсаткичлар Жиззах (**94 нафар**), Қашқадарё (**193 нафар**) ва Сирдарё (**207 нафар**) вилоятларида қайд этилди.

Таянч докторантурани энг кўп битирганлар Тошкент шаҳри (**772 нафар**), Самарқанд (**295 нафар**) ва Наманган (**217 нафар**) вилоятларида қайд этилди. Жиззах (**18 нафар**), Сурхондарё (**44 нафар**) ва Сирдарё (**54 нафар**) вилоятларида эса докторантура битирувчилари кам бўлди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар сони \(жами\)](#)

[Таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар сони \(аёллар\)](#)

[Таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар сони \(эркаклар\)](#)


II. Олий таълимдан кейинги таълим тизими: докторантура

Докторантура фан доктори (Doctor of Science – DSc) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади ([23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон Қонуни](#)).

Докторант – илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс ([22.05.2017 йилдаги 304-сон ВМҚ](#)).

Ўзбекистонда докторантуранинг асосий кўрсаткичлари

(тегишли йил учун, киши)



2025 йилда докторантурага эга ташкилотлар сони **124 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **24 тага** (ёки **24,0 фоизга**) ошди.

2025 йилда докторантурага қабул қилинганлар сони **604 нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **114 нафарга** (ёки **23,3 фоизга**) кўпайди. 2025 йил охирига докторантлар сони **1 309 нафарга** етиб, 2024 йилга нисбатан **154 нафарга** (ёки **13,3 фоизга**) ошди. 2025 йилда докторантура битирувчилари сони **252 нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **10 нафарга** (ёки **3,8 фоизга**) камайди.

Докторантура асосий кўрсаткичларининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025 йил учун, киши)

	Докторантурага эга ташкилотлар сони (бирлик)	Докторантурага қабул қилинганлар сони	Докторантлар сони	Докторантура битирувчилари сони
Ўзбекистон Республикаси	124	604	1 309	252
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	5	65	76	11
Андижон вилояти	7	25	35	9
Бухоро вилояти	4	26	54	9
Жиззах вилояти	1	1	4	1
Қашқадарё вилояти	2	6	7	2
Навоий вилояти	3	5	21	2
Наманган вилояти	3	23	34	-
Самарқанд вилояти	9	86	166	50
Сурхондарё вилояти	3	39	45	2
Сирдарё вилояти	2	1	29	-
Тошкент вилояти	12	60	85	26
Фарғона вилояти	4	13	36	11
Хоразм вилояти	2	3	9	1
Тошкент шаҳри	67	251	708	128

2025 йилда докторантурага эга ташкилотлар энг кўп Тошкент шаҳрида (**67 та**), Тошкент (**12 та**) ва Самарқанд (**9 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам ташкилотлар эса Жиззах вилоятида (**1 та**), шунингдек, Қашқадарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида (**ҳар бирида 2 тадан**) кузатилди.

2025 йилда докторантурага энг кўп қабул қилинганлар Тошкент шаҳрига (**251 нафар**), Самарқанд вилояти (**86 нафар**) ва Қорақалпоғистон Республикасига (**65 нафар**) тўғри келди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида (**ҳар бирида 1 нафардан**), шунингдек, Хоразм вилоятида (**3 нафар**) қабул қилинганлар сони энг кам бўлди.

Йил охирига докторантлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**708 нафар**), Самарқанд (**166 нафар**) ва Тошкент (**85 нафар**) вилоятларида кузатилди. Энг паст кўрсаткичлар Жиззах (**4 нафар**), Қашқадарё (**7 нафар**) ва Хоразм (**9 нафар**) вилоятларида қайд этилди.

2025 йилда докторантурани энг кўп битирганлар Тошкент шаҳри (**128 нафар**), Самарқанд (**50 нафар**) ва Тошкент (**26 нафар**) вилоятларида қайд этилди. Жиззах ва Хоразм вилоятларида (**ҳар бирида 1 нафардан**) эса докторантура битирувчилари кам бўлди. Наманган ва Сирдарё вилоятларида 2025 йилда докторантура битирувчилари бўлмади.

III. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни бажариш

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) инсоният, маданият ва жамият ҳақидаги билимларни ўз ичига олган билимлар ҳажмини оширишга, шунингдек, мавжуд билимларни қўллашнинг янги усуллари ишлаб чиқишга қаратилган ижодий ва тизимли фаолиятни ифодалайди.

ИТТКИни бажарган ташкилотлар сони

(тегишли йил учун, бирлик)



2025 йилда ИТТКИни бажарган ташкилотлар сони **279 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **15 тага** (ёки **5,7 фоизга**) ошди. ИТТКИни бажарган ташкилотларнинг энг кўп қисми давлат секторига тўғри келиб, **124 тани** ташкил этди. Уларнинг сони 2024 йилга нисбатан **9 тага** (ёки **7,8 фоизга**) кўпайди. Олий таълим секторида ИТТКИни бажарган ташкилотларнинг мавжуд сони **99 та** бўлиб, 2024 йилга нисбатан **6 тага** (ёки **6,5 фоизга**) ошди. Тадбиркорлик секторида ИТТКИни **55 та ташкилот**, хусусий нотижорат секторда эса **1 та ташкилот** бажарди. Ушбу секторлар бўйича кўрсаткичлар 2024 йилга нисбатан ўзгаришсиз қолди.

ИТТКИга қилинган харажатлар

(тегишли йил учун, млрд сўм)




¹⁾ Хусусий нотижорат секторда ИТТКИга қилинган харажатлар 2024 йилда **5,1 млн сўмни**, 2025 йилда эса **9,7 млн сўмни** ташкил этди

2025 йилда ИТТКИга қилинган харажатлар **1 680,6 млрд сўмни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **106,5 млрд сўмга** (ёки **6,8 фоизга**) ўсди. Харажатларнинг энг катта ҳажми давлат секторига тўғри келиб, **982,4 млрд сўмни** ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан **109,3 млрд сўмга** (ёки **12,5 фоизга**) кўпайди. Тадбиркорлик секторига ИТТКИга қилинган харажатлар **464,5 млрд сўмни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **45,5 млрд сўмга** (ёки **10,9 фоизга**) ошди. Хусусий нотижорат секторда ИТТКИга харажатлар **9,7 млн сўмга** етиб, **4,6 млн сўмга** (ёки **90,2 фоизга**) кўпайди.

Олий таълим секторига ИТТКИга қилинган харажатлар **233,7 млрд сўм** бўлиб, 2024 йилга нисбатан **48,3 млрд сўмга** (ёки **17,1 фоизга**) камайди.

ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар сони ¹⁾

(тегишли йил учун, минг киши)



2025 йил охирига ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар сони (педагогик фаолият билан бир қаторда ИТТКИни бажарган олий таълим ташкилотларининг илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда) **43,1 минг нафарга** етиб, 2024 йилга нисбатан **9,5 минг нафарга** (ёки **28,3 фоизга**) ўсди.

¹⁾ Педагогик фаолият билан бир қаторда ИТТКИни бажарган олий таълим ташкилотларининг илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда.

²⁾ Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек, хорижий давлатда олинган фан номзоди илмий даражаси ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга шахсларни қўшган ҳолда.

2025 йил охирига ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар орасида аёллар сони **17,4 минг нафар** бўлиб, 2024 йилга нисбатан **3,3 минг нафарга** (ёки **23,4 фоизга**) ошди. Эркаклар сони эса **25,7 минг нафарга** етиб, **6,2 минг нафарга** (ёки **31,8 фоизга**) кўпайди. Мутахассис-тадқиқотчилар умумий сонидида аёллар улуши **40,4 фоизни**, эркаклар улуши эса **59,6 фоизни** ташкил этди.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек, хорижий давлатда олинган фан номзоди илмий даражаси ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга мутахассис-тадқиқотчилар сони 2025 йилда **15,5 минг нафар** қайд этилиб, 2024 йилга нисбатан **1,4 минг нафарга** (ёки **9,9 фоизга**) ўсди. Фан доктори (DSc) илмий даражасига эга мутахассис-тадқиқотчилар сони **4,8 минг нафарни** ташкил этиб, **1,8 минг нафарга** (ёки **60,0 фоизга**) кўпайди.

ИТТКИ асосий кўрсаткичларининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2025 йил учун)

	ИТТКИни бажарган ташкилотлар сони (бирлик)	ИТТКИга қилинган харажатлар (млрд сўм)	ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар сони ¹⁾ (киши)		
			жами	аёллар	эркаклар
Ўзбекистон Республикаси	279	1 680,6	43 118	17 416	25 702
<i>ҳудудлар:</i>					
Қорақалпоғистон Респ.	6	39,5	1 752	769	983
Андижон вилояти	6	10,1	3 267	1 320	1 947
Бухоро вилояти	16	50,6	4 680	1 864	2 816
Жиззах вилояти	4	2,7	1 856	648	1 208
Қашқадарё вилояти	9	8,3	1 504	437	1 067
Навоий вилояти	6	185,0	885	287	598
Наманган вилояти	5	5,3	1 537	389	1 148
Самарқанд вилояти	21	39,2	4 745	1 819	2 926
Сурхондарё вилояти	6	6,8	800	347	453
Сирдарё вилояти	8	5,6	182	52	130
Тошкент вилояти	20	70,7	1 939	766	1 173
Фарғона вилояти	22	18,4	4 042	1 555	2 487
Хоразм вилояти	8	13,8	2 347	1 202	1 145
Тошкент шаҳри	142	1 224,6	13 582	5 961	7 621

2025 йилда ИТТКИни бажарган ташкилотлар энг кўп Тошкент шаҳрида (**142 та**), Фарғона (**22 та**) ва Самарқанд (**21 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам сонли ташкилотлар эса Жиззах (**4 та**) ва Наманган (**5 та**) вилоятларида кузатилди.

¹⁾ Педагогик фаолият билан бир қаторда ИТТКИни бажарган олий таълим ташкилотларининг илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда.

ИТТКИга қилинган харажатларнинг энг катта ҳажми Тошкент шаҳри (**1 224,6 млрд сўм**), Навоий (**185,0 млрд сўм**) ва Тошкент (**70,7 млрд сўм**) вилоятларига тўғри келди. Харажатларнинг энг кам ҳажми Жиззах (**2,7 млрд сўм**), Наманган (**5,3 млрд сўм**) ва Сирдарё (**5,6 млрд сўм**) вилоятларида қайд этилди.

2025 йил охирига ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар (педагогик фаолият билан бир қаторда ИТТКИни бажарган олий таълим ташкилотларининг илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда) энг кўп Тошкент шаҳрида (**13 582 нафар**), Самарқанд (**4 745 нафар**) ва Бухоро (**4 680 нафар**) вилоятларида қайд этилди. Сирдарё (**182 нафар**), Сурхондарё (**800 нафар**) ва Навоий (**885 нафар**) вилоятларида эса уларнинг сони энг кам бўлди.

Худудларнинг аксариятида мутахассис-тадқиқотчилар орасида эркаклар сони аёллар сонидан юқори бўлди. Фақат Хоразм вилоятида аёллар улуши эркаклар улушидан юқори бўлиб, **51,2 фоизни** ташкил этди. Эркакларнинг энг юқори улуши Наманган (**74,7 фоиз**), Сирдарё (**71,4 фоиз**) ва Қашқадарё (**70,9 фоиз**) вилоятларида қайд этилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[ИТТКИни бажарган ташкилотлар сони \(жами\)](#)

[Бажарилган ИТТКИ ҳажми](#)

[Педагогик фаолият билан бир қаторда илмий тадқиқотларни амалга оширган олий таълим ташкилотларининг илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда, ИТТКИни бажарган ходимлар сони \(жами\)](#)

IV. Илм-фан ва илмий кадрлар тайёрлаш статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Олий таълимдан кейинги таълим докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди ([23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон Қонуни](#)).

Ўзбекистонда олий таълимдан кейинги таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Таянч докторантура;
- Докторантура;
- Мустақил изланувчилик.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) инсоният, маданият ва жамият ҳақидаги билимларни ўз ичига олган билимлар ҳажмини оширишга, шунингдек, мавжуд билимларни қўллашнинг янги усуллари ишлаб чиқишга қаратилган ижодий ва тизимли фаолиятни ифодалайди.

Ўзбекистонда фан ва олий таълимдан кейинги таълим бўйича статистик маълумотлар бир марталик **1 fan “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг бажарилиши ҳамда олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисида”**ги саволнома асосида шакллантирилади. Саволномани илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширувчи ва (ёки) олий малакали илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрловчи юридик шахслар тақдим этади.

Саволнома бажарилган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ҳажми, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, ходимлар сони ва таркиби, шунингдек, таянч докторантура ва докторантурага қабул қилинганлар, уларда таҳсил олаётганлар ҳамда битирувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Йиғма статистик маълумотлардан мамлакат илмий салоҳиятининг ҳолати ва ривожланишини баҳолаш, олий малакали илмий кадрлар тайёрлашни мониторинг қилиш, фан соҳасининг кадрлар ва молиявий ресурсларини таҳлил қилиш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда халқаро ҳисоботларни тайёрлаш учун фойдаланилади.

Тадқиқотлар ва ишланмалар статистикаси Барқарор ривожланиш мақсадларининг 9.5-вазифасига эришишни мониторинг қилишда, жумладан, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоиздаги улуши ҳамда тўлиқ бандлик эквивалентидаги тадқиқотчиларнинг 1 миллион нафар аҳолига нисбатан сони кўрсаткичларини ҳисоблашда қўлланилади.

Фойдали ҳаволалар:

[Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни \(23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни \(29.10.2019 йилдаги ЎРҚ-576-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони \(16.02.2017 йилдаги ПФ-4958-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори \(22.05.2017 йилдаги 304-сон\)](#)

[Фраскати йўриқномаси 2015 \(Frascati Manual 2015: Guidelines for Collecting and Reporting Data on Research and Experimental Development\)](#)

[Фан \(илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари\) соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа ва барқарор
ривожланиш статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: (71) 203-80-00 (ички рақам: 1305)

